

6. Hofmann, Erik. "Ta'minot zanjiri moliyasi: ba'zi konseptual tushunchalar". *Beiträge Zu Beschaffung Und Logistik* 16 (2005): 203-214.
7. García-Teruel, Pedro Juan, and Pedro Martínez-Solano. "Effects of working capital management on SME profitability". // *International Journal of managerial finance* 3.2 (2007): 164-177.
8. Natsyраeva Y.A. "Overview of existing approaches to business activity of enterprise assessment". *Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета* 3 (2011): 85-87.
9. Temtime, Zelealem Tadesse. *Relationship between working capital management, policies, and profitability of small manufacturing firms*. Diss. Walden University, 2016.
10. Махмудов Самариддин. Иқтисодий тизимда логистика соҳасининг ролини баҳолаш. // *Economics and education* 23.4 (2022): 296-307.
11. Махмудов Самариддин. Логистика тизимини молиялаштириш орқали экспорт амалиётларини ARDL ва ARIMA моделлари асосида эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш. // *International Journal of Economics and Innovative Technologies* 11.2 (2023): 243-261.
12. Махмудов С. (2023). Эконометрическое моделирование и прогнозирование экспортных операций через финансирование логистической системы на основе моделей ARDL и ARIMA. *Economics and Innovative Technologies*, 11(2), 243-261. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i25
13. Qarang: "O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi Transport va logistikani rivojlantirish jamg'armasi to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-maydagi 429-sonli qaroriga 1-ilova. 2-bob. // <https://lex.uz/docs/4352364>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бабамуратов Жаҳонгир Рустамович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a20

Аннотация. Ушбу мақолада солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва таълимни яхшилаш, солиқ тизими ва тартибларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида самарали алоқа каналларини ривожлантириш, солиқларни ундириш механизмларини такомиллаштириш, бундан ташқари, адолатга бўлган ишонч ва идрокни шакллантириш ва самарали мажбурлов чораларини қўллаш ҳам мувофиқликни ошириши, муносабатларни ривожлантириш тенденцияларининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: солиқ қарзи, дебиторлар, дебитор қарз, солиқларни ундириш, солиқ ҳисоботи, давлат божси, кредитор, суд ҳужжатлари, суд ижрочилари.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ВЗЫСКАНИЯ НАЛОГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Бабамуратов Джаҳонгир Рустамович -
Соискатель Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье рассматривается совершенствование механизма сбора налогов, улучшение обслуживания и просвещения налогоплательщиков, упрощение налоговой системы и процедур, развитие эффективных каналов коммуникации между налогоплательщиками и налоговыми органами, совершенствование механизмов сбора налогов. Кроме того, формирование доверия и восприятия правосудия и применение эффективных принудительных мер также повышают соответствие теоретическим и практическим аспектам, были выделены тенденции в развитии взаимоотношений.

Ключевые слова: налоговый долг, дебиторская задолженность, взыскание налогов, налоговая отчетность, государственная пошлина, кредитор, судебные документы, судебные приставы.

WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM OF COLLECTION OF TAX DEBT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Babamuratov Jakhongir Rustamovich -
Tashkent State University of Economics
Independent seeker

Annotation. In this article, improving the mechanism of tax collection, improving the service and education of taxpayers, simplifying the tax system and procedures, developing effective communication channels between taxpayers and tax authorities, improving the mechanisms of tax collection. In addition, the formation of trust and perception in justice and the use of effective coercive measures also increase compliance theoretical and practical aspects have been highlighted the trends in the development of relationships.

Keywords: tax debt, receivables, receivables, tax collection, tax reporting, state duty, creditor, court documents, bailiffs.

Кириш. Республикамизнинг солиқ механизми олдида бир томондан давлат бюджетини зарур даромадлар билан таъминлаш, иккинчи томондан эса солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш вазифаси қўйилган. Бу вазифаларни бажариш учун солиқ тизимида иқтисодий ислохотлар олиб бориш билан солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, уларнинг бюджет тизимига барқарор тушишини таъминлашда солиқларни ундириш усуларини қўллаш механизмини такомиллаштириш, солиқ ундиришни оптималлаштириш, солиқ қарзини камайтириш ва солиқ юкини енгиллаштиришни талаб этади. Солиқ тизимидаги ислохотлар мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Солиқ маъмурчилиги солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқ ва мажбурий тўловлар ундирилиши ҳамда уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш борасидаги солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари мавзусига оид қисқача адабиётлар шарҳини келтирамыз.

Сабине Фреизер томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмурияти ислохоти ва фискал назорат” (2006). Ушбу тадқиқотчи Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини ислох қилишнинг умумий кўринишини беради ва солиқ йиғиш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва имкониятларини ёритади. Муаллиф солиқларни ундириш жараёнини яхшилашга солиқ тўловчиларни ўқитиш ва тушунтириш ишларини яхшилаш, шаффофлик ва масъулиятни ошириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимини модернизация қилиш орқали эришиш мумкинлигини таклиф қилади [1].

Тигран Погҳосян ва Эвгения Коломак (2013) томонидан “Ўтиш давридаги мамлакатларда солиқ ислохотларининг солиқ қонунчилигига таъсири. Ўзбекистондан олинган далиллар”. Муаллифларнинг фикрича, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва солиқ ставкаларини пасайтиришга қаратилган солиқ ислохотлари солиққа риоя этиш ва даромадларни йиғишни ошириши мумкин [2].

Санжай Кумар ва Тигран Погҳосян томонидан “Ўзбекистонда солиққа риоя қилишни яхшилаш: адабиёт ва халқаро тажрибадан сабоқлар” (2019). Ушбу тадқиқотларда солиқ қонунчилигига риоя қилиш бўйича адабиётлар ва солиқ йиғиш механизмларини такомиллаштириш бўйича халқаро тажрибалар кўриб чиқилди. Муаллифлар фикрича, солиққа риоя этиш-

нинг самарали стратегиялари солиқ тўловчиларни ўқитиш, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш, самарали ижро этиш ва қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ва тартибга солувчи муҳитни ўз ичига олувчи комплекс ёндашувни талаб қилади [3].

М.Маҳмуд ва А.Ҳеун томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш: рискка асосланган аудит учун мисол” (2018). Ушбу мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш учун рискка асосланган аудит ёндашуви таклиф этилади. Муаллифлар таваккалчиликка асосланган аудит юқори хавфга эга бўлган солиқ тўловчиларни йўналтириш ва қонунбузарликларни самаралироқ аниқлаш орқали солиқ қонунчилигига риоя этиш ва даромадларни йиғишни яхшилаш мумкинлигини таклиф қилади [4].

Ж.Зияев ва М.Ҳужакулов томонидан “Ўзбекистонда солиқ ислохоти ва даромадларини мобилизация қилиш” (2018). Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда солиқ ислохотларининг даромадлар мобилизациясига таъсири ўрганилади. Муаллифларнинг аниқлашича, солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган солиқ ислохотлари солиқ тушумларининг сезиларли даражада ошишига олиб келди [5].

Жозел Слемрод (2007) томонидан “Солиқ талабларига риоя қилишни яхшилаш: адабиётларни кўриб чиқиш”. Бу тадқиқот солиқ қонунчилигига оид адабиётларга умумий нуқтаи назарни беради ва самарали солиқ йиғиш механизмлари мажбурий чоралар, рағбатлантириш ва таълим дастурларини бирлаштиришни талаб қилади. Муаллиф, шунингдек, солиққа тортиш тизими ва тартиб-қоидаларини соддалаштиришнинг муҳимлигини ҳам муҳокама қилади [6].

Ричард М. Бирд ва Эрик М. Золт томонидан “Солиқ тўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш ва таълим орқали солиқ йиғишни яхшилаш” (2005). Ушбу ҳужжат солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва таълимни яхшилаш солиқ йиғишни оширишнинг самарали усули бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Муаллифлар солиқ тўловчиларга аниқ ва содда маълумотларни тақдим этиш, солиқ шакллари ва тартибларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида самарали алоқа каналларини ривожлантиришни тавсия қилади [7].

Бенно Торглер томонидан “Солиқ қоидаларига риоя қилиш: адабиётларни кўриб чиқиш” (2002). Ушбу тадқиқотчи томонидан солиқ қоидаларига риоя қилиш бўйича адабиётлар кўриб чиқилади ва мувофиқлик хулқ-атворида таъсир қилиши мумкин бўлган бир қанча омиллар, жумладан, ҳуқуматга ишонч, адолатни англаш, жарималар ва жазолар даражаси, маж-

бурлаш чоралари белгиланади. Муаллифнинг таъкидлашича, ишонч ва адолат ҳақидаги тасаввурни яхшилаш мувофиқликни ошириши мумкин [8].


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Сўнгги йилларда бюджет даромадлари бюджет харажатларига нисбатан доимий равишда камни ташкил этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда уларнинг орасидаги тафовут сезиларли равишда фарқланганлигини, яъни харажатларнинг кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга асосан бугунги кунда солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи тан олинса, солиқ органи

раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солиқ қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солиқ қарзи ундирилиши мумкинлиги белгиланди.

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизмининг ҳар бир таркибий қисми, ўз навбатида, бир неча элементлардан иборат.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 13, 14 ва 15-бобларида ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизми

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Солиқ қарзи ҳосил бўлгандан кейин тўланмаган солиқ қарзи бўйича 3 иш кун ичида талабнома электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ёки солиқ тўловчига почта

орқали юборилади. Агар қарздор белгиланган муддатда талабномага нисбатан ўз эътирозини билдирмаса, ушбу қарздорлик тан олинган, бошқа ҳолатлардан тан олинмаган ҳисобланади.

Талабнома юбориш билан бир вақтда қарздорнинг банкдаги ҳисоб варақларига инкассо топшириқномаси, жумладан, валюта ҳисоб рақамларига талабнома юборилади.

Юқоридаги ундирув чоралари қўлланилгандан кейин ҳам солиқ қарзи солиқ тўловчи

томонидан тўлаб берилмаса, тан олинган солиқ қарзи бўйича солиқ органи қарори Мажбурий ижро бюросига юборилади. Тан олинмаган қисмига эса судларга ариза киритилади (2-расм).



2-расм. Солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хорижий мамлакатлар солиқ тизими турли ҳил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар таъсири остида шаклланган, шунингдек, солиққа тортиш усулларининг ҳаммаси ҳам такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар солиқ тизимларида қўлланиладиган усуллари республикамиз солиқ тизимига миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий давлатларнинг солиқ тизимига назар ташлайдиган бўлсак, унда солиқларни ундириш усуллари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳамда солиқ ундириш усулларининг хилма-хил равишда қўлланилишини кўришимиз мумкин.

Америк Қўшма Штатлари. АҚШ солиқ қонунчилигида солиқлар ва пеняни тўлашдан бош тортган тақдирда қарздор солиқ тўловчининг барча мол-мулкига ва унинг мулкӣ ҳуқуқларига қаратишни назарда тутадиган қоида мавжуд.

Мажбурий ундирувни қўллаш олдидан кўпчилик мамлакатларда солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича қарзларини мустақил равишда узишларини сўраб, билдирувнома олдиндан юборилади. АҚШ қонунчилиги ҳам солиқ органларидан қарздорларга белгиланган муддатларда тўлашни талаб этган ҳолда ана шундай билдирувнома юборишни талаб этади.

Россия Федерацияси. Россия қонунчилигида жисмоний шахсдан қуйидаги кетма-кетликда солиқ ундирилади: аввало, банкдаги ҳисобварақларидаги пул маблағига, кейин навбат билан нақд пул маблағига, шартнома бўйича бошқа шахсларга, унга доир мулк ҳуқуқи ўтказилмасдан, эгаллик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этишга берилган мол-мулк ҳисобига, агар солиқ тўлаш мажбуриятининг ижросини таъминлаш учун бундай шартномалар белгиланган тартибда бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, бошқа мол-мулк ҳисобига, жисмоний шахс ёки унинг оила аъзолари кундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжаллангани бундан мустасно.

Солиқ қарзи узилмаган тақдирда жисмоний шахслар учун бир қатор оқибатлар юзага келади. Чунончи, давлат олдидаги мажбуриятини бажармаган РФ фуқаросини Россия Федерация фуқаролигидан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Канада. Канада қонунчилигида солиқ органлари судга мурожаат қилмасдан қарзни ундиришлари мумкин. Бироқ улар солиқ тўловчинини мажбурий ундирув чорасини қўллаш ниятлари тўғрисида олдиндан огоҳлантиришлари ҳамда солиқ ва пеня тўлаш учун муддатни кечиктириш имконини беришлари керак.

Янада қаттиқроқ мажбурулаш чораларини қўллаш учун солиқ органлари судга мурожаат қилиб, суд органлари билан ҳаракат қилади. Солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобига солиқлар-

ни тўлаш бўйича мажбуриятлари ижросини таъминлаш учун, аввало, суднинг ҳал қилув қарорини олиш зарур, у кейин қарздорга тегишли бўлган мол-мулкка қарз мажбурияти сифатида рўйхатдан ўтказилади. Суд муайян ҳолларда солиқ органларини хабардор қилмасдан туриб, солиқ тўловчининг мол-мулкни трансферт қилишини тақиқлайдиган ҳал қилув қарори ҳам чиқариши мумкин.

Австрия, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Исроил, Испания, Италия, Кипр, Жанубий Корея ва Япония каби давлатлар қонунчилигида давлат буюртмаси бўйича шартнома тузишда солиқ қарзининг мавжуд бўлмаслиги асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Австралия, Исроил, Италия, Индонезия, Корея, Малайзия, Нидерландияда солиқдан қарзи мавжуд бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг раҳбарлари бошқа давлатларга саёҳатга боришларига чеклов ўрнатилган.

Аргентина, Бразилия, Болгария, Венгрия, Греция, Кипр, Хитой, Жанубий Корея, Мальта, Португалия, Саудия Арабистони, Туркия қонун-

чилигига кўра солиқ қарзининг мавжудлиги қарздорга давлат хизматлари кўрсатилишини рад этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф қиламиз:

– солиқ қарзига нисбатан қарздорнинг мол-мулкига тақиқ қўйиш тартибини яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этиш;

– қарздор жисмоний шахсларнинг пулли давлат хизматларидан ва айрим сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда электрон савдоларда иштирок этиш ҳуқуқларини чеклаш;

– иқтисодий судларга даъво билан чиқилганда, суд, одатда, фақатгина мол-мулкка қаратиш тўғрисида қарор чиқариш билан чекланади (фақат шу учун давлат божи ҳисобланади). Иқтисодий судга берилганда, суд нафақат солиқ тўловчининг мол-мулкдан ундириш, балки корхонани бу аҳволга олиб келган айбдор шахсларга нисбатан қатъийроқ таъсирчан чоралар қўллаш бўйича қарор чиқариши мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сабине Фреизер томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмурияти ислоҳоти ва фискал назорат”. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/542691624154434845/text/Uzbekistan-Tax-Administration-Reform-Project.txt>
2. Тигран Погхосян ва Эвгения Коломак томонидан “Ўзбекистондан олинган далиллар” (2013). https://www.files.ethz.ch/isn/139068/643172_sa231.pdf
3. Санжай Кумар ва Тигран Погхосян томонидан “Ўзбекистонда солиққа риоя қилишни яхшилаш: адабиёт ва халқаро тажрибадан сабоқлар” (2019). <https://cyberleninka.ru/article/n/the-prospects-of-improvement-of-the-legal-basis-of-tax-administration-in-the-republic-of-uzbekistan>
4. Mahmud M. va Jeun A. томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш: рискка асосланган аудит учун мисол” (2018). <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2021/06/16/uzbekistan-continues-to-modernize-its-tax-administration-system-with-world-bank-support>
5. Зияев Ж. ва М. Хужакулов томонидан “Ўзбекистонда солиқ ислоҳоти ва даромадларини мобилизация қилиш” (2018). <https://iject.co.uk/wp-content/uploads/2019/10/71027.pdf>
6. Жозл Слемрод томонидан “Солиқ талабларига риоя қилишни яхшилаш: адабиётларни кўриб чиқиш”. <https://webuser.bus.umich.edu/jislemrod/JEL%20compliance%207-13-17.pdf>
7. Ричард М. Бирд ва Эрик М. Золт томонидан “Солиқ тўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш ва таълим орқали солиқ йўғини яхшилаш” (2005). <https://www.imf.org/uz/Publications/fandd/issues/2018/03/akitoby>
8. Бенно Торглер томонидан “Солиқ қоидаларига риоя қилиш: адабиётларни кўриб чиқиш” (2002). https://www.researchgate.net/publication/228280659_Tax_Morale_and_Compliance_Review_of_Evidence_and_Case_Studies_for_Europe
9. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ-758-сонли қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги (258-II-сон) “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни.
11. Нормурзаев У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Economics and education*, 24(1), 334-339.
12. Нормурзаев У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари, тадбиркорликнинг тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўллари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88-89. Извлечено от: <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
13. Нормурзаев У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 334-339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51
14. Нормурзаев У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайитиришда солиқ органларининг аҳамияти. // *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(2), 215-221. Retrieved from: <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>
15. https://vaqt.ucoz.com/iqtisod_va_moliya/
16. https://uz.zahn-info-portal.de/wiki/Taxation_in_Canada